

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛМАТОВ РУСТАМ АБДУХАТОВИЧ**

**ЧОТҚОЛ-ҚУРАМА МИНТАҚАСИДА ОЛТИННИНГ ГЕОКИМЁСИ,  
МАЪДАН ТАРКИБИ ВА МЕТАЛЛОГЕНИЯСИ (ЎЗБЕКИСТОН)**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш  
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси (DSc)**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of abstract dissertation of doctor of science (DSc)**

**Халматов Рустам Абдухатович**

Чотқол-Курама минтақасида олтиннинг геокимёси,  
маъдан таркиби ва металлогенияси (Ўзбекистон)..... 3

**Халматов Рустам Абдухатович**

Геохимия, состав руд и металлогения золота  
Чаткало-Кураминского региона (Узбекистан).....27

**Khalmatov Rustam Abdukhatovich**

Geochemistry, ore composition and metallogeny  
gold of the Chatkal-Kuramin region (Uzbekistan).....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....56

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛМАТОВ РУСТАМ АБДУХАТОВИЧ**

**ЧОТҚОЛ-ҚУРАМА МИНТАҚАСИДА ОЛТИННИНГ ГЕОКИМЁСИ,  
МАЪДАН ТАРКИБИ ВА МЕТАЛЛОГЕНИЯСИ (ЎЗБЕКИСТОН)**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш  
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/GM47 рақами билан руйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус., инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.gpniimr.uz](http://www.gpniimr.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Конеев Рустам Исмаилович**

геология-минералогия фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Карабаев Маматхон Садилович**

геология-минералогия фанлари доктори

**Мамарозиков Усмоғжон Давронович**

геология-минералогия фанлари доктори

**Халилов Акмал Абдужалилович**

геология-минералогия фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**«Тошкентгеология» АЖ**

Диссертация химояси «Минерал ресурслар институти» ДМ хузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.40.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» май соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49; e-mail: [info@gpniimr.uz](mailto:info@gpniimr.uz); [gpniimr@exat.uz](mailto:gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан «Минерал ресурслар институти» ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 - рақам билан руйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11а. Тел. (99871) 256-13-49.

Диссертация автореферати 2021 йил «22» апрелда тарқатилди (2021 йил «22» апрелдаги 4 - рақамли реестр баённомаси).



**М.У. Исоқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

**Н.М. Хакбердиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий қотиби, г.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)

**М.М. Пириязаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бозорларида олтинга бўлган эҳтиёж ошиб бораётганлиги сабабли ер қаърида “яширинган” янги олтин конларини излаб топиш жаҳон амалиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хорижий мамлакатларда ернинг нисбатан чуқур сатҳларида жойлашган янги олтин конларини излаш ишларида замонавий усулларни қўллашнинг назарий ва илмий-техник асослари жадал суръатлар билан такомиллаштирилиб борилмоқда. Геология-қидирув ишларида замонавий геохимёвий ва микроминералогик таҳлилларга асосланган усулларнинг кенг миқёсда қўллашга йўналтирилган тадбирларни изчиллик билан амалга оширилиши республикамизда мавжуд конларнинг истиқболларини оширишга ҳамда мамлакат минерал хомашё базасини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида эпитеpmал олтин конларини аниқлашга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар, жумладан, олтин маъданларининг манбасини аниқлаш, уларнинг геохимёвий, микро-наноминералогик хоссаларини ўрганиш, маъдандор структураларнинг геохимёвий турларини, уларни излашнинг геохимёвий ва минералогик мезонлари, белгилари ҳамда жойлашув қонуниятларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида олтин конларининг истиқболларини оширилишига, уларни қазиб олиш ҳажмларини кўпайтирилишига ҳамда республиканинг олтин-валюта захираларини мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда олтиннинг минерал-хомашё базасини кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда, жумладан, Чотқол-Қурама геология-кончилик минтақасида 40 дан ортиқ эпитеpmал олтин конлари ва уларни излашга истиқболли майдонлар аниқланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «...алоҳида ҳудудларда табиий, минерал хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш...» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, Чотқол-Қурама геология-кончилик минтақасидаги янги олтин конларини юқори аниқликда прогноз қилиш ва излашнинг илмий асосланган мезонларини ишлаб чиқиш ва геология-қидирув амалиётига жорий этиш соҳа олдидаги устувор ва долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3004-сонли, 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3578-сонли ва 2020 йил 8 июндаги «Давлат геология ва

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони.

минерал ресурслар кўмитаси тизимида геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4740-сонли қарорларида, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширилишига мазкур диссертация ишидаги тадқиқотларнинг натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII - «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Эпитермал олтин конларининг геохимёвий ва микро-наноминералогик хоссаларини ўрганиш, уларни излашнинг геохимёвий ва минералогик мезонлари, белгилари ҳамда жойлашув қонуниятларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Center for Russian and Central EurAsian Mineral Studies (CERCAMS, Буюк Британия), Society for Geology Applied to Mineral Deposits (SGA Германия), International Association on the Genesis of Ore Deposits (IAGOD Хитой), Коми Республикаси Геология институти (Россия), Маъдан конлари геологияси, петрография, минералогия ва геохимё институти, (ИГЕМ Россия), Минерал ресурслар институти, Илғор технологиялар марказида (Ўзбекистон) амалга оширилмоқда.

Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий ва илмий-амалий натижаларга эришилган, жумладан, мавжуд эпитермал олтин конларининг шаклланиш назариялари ва концепциялари, башоратлаш ва қидириш мезонлари ишлаб чиқилган (CERCAMS, Буюк Британия; ИГЕМ, Россия), вулқаноген жараёнлар кузатилган ҳудудларда олтин минераллашувини излаш белгилари ва мезонлари аниқланган (МРИ, ИТМ, Ўзбекистон), олтин маъданларидан йўлдош металларни ажратиш олиш технологиялари ишлаб чиқилган (НКМК, МРИ, Ўзбекистон), олтин рудаларини бойитишнинг бир қатор рационал технологиялари яратилган (МРИ, ОКМК, НКМК, Ўзбекистон).

Ҳозирги пайтда хориж мамлакатларида қимматбаҳо металларнинг хомашё базасини янада кенгайтириш мақсадида олтин конлари геологияси, минералогияси ва геохимёси каби устувор йўналишлар бўйича фундаментал, илмий-амалий ва инновацион тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, олтин минераллашувига истиқболли жинсларни шакллантирувчи тектоник вазиятларни аниқлаш ва уларнинг жойлашув схемаларини ишлаб чиқиш, олтин конларини ҳосил бўлиш ва ер қарида жойлашиш шароитларини ҳамда минералогик ва геохимёвий хоссаларини аниқлаш, олтин конлардаги иккиламчи ўзгаришларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

---

<sup>2</sup>. Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбаалар материаллари асосида тайёрланган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Чотқол-Курама минтақасидаги эпитеpmал олтин конларининг геокимёси ва минералогияси кўплаб тадқиқотчилар, шу жумладан, Бадалова Р.П., Бадалов С.Т., Гертман Ю.Л., Гельман Л.И., Гиль А.В., Жўраев А.Д., Дунин-Барковская Э.А., Ермекбаева Д.У., Коваленкер В.А., Колоскова С.М., Конеев Р.И., Королева Н.Н., Мещанинова Г.С., Муқимова Д.С., Новгородова М.И., Овчинникова Н.И., Петровская Н.В., Пирназаров М.М., Плотинская О.Ю., Рашидова Г.Ш., Русинов В.Л., Смирнова С.К., Туресебеков А.Х., Увадьев М.Д., Умаров А.З., Хамрабаева З.И., Цой В.Д., Юсупов Р.Г. ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ўтган йиллардаги тадқиқотлар билан аксарият ҳолларда олтин конларининг ер юзасига яқин сатҳларидаги минералогик ассоциациялар, геокимёвий ореоллар ва маъдан олди метасоматитлари қамраб олинган бўлиб, олинган натижалар спектрал лаборатория таҳлиллари ҳамда Те, Se, Hg, Pt, Pd ва бошқа элементларни тизимсиз аниқлаш натижаларига асосланган эди.

Кўп йиллик илмий-тадқиқотларга қарамай, эпитеpmал олтин конларидаги вертикал зоналик, уларнинг микро-наноминералогик ва геокимёвий ихтисослашуви муаммолари ҳанузгача тўлиқ ҳал қилинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тақиқоти Ўзбекистон Миллий Университетининг амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф8-17 «Нодир ва рангли металлар маъдан конларини ҳосил бўлишидаги табиий нанотехнологиялар ва нанозаррачалар. Геологик, минералогик-геокимёвий қонуниятлар ва амалий оқибатлари» (2012-2016), ОТ-Ф8-01 «Ўзбекистон олтини: маъдан ҳосил бўлишининг янги концепциялари, вақт ва маконда минераллашувлар эволюцияси, янги ва ноанъанавий конларни башорат қилиш, излаш ва баҳолаш муаммолари» (2017-2020), ИЗ-20170929142 «Ўзбекистоннинг олтин таркибли маъдан конларининг истиқболлари ва сифатини баҳолашнинг минералогик-геокимёвий усулларида нанотехнологияларнинг аҳамияти» (2018-2019) илмий-амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тақиқотнинг мақсади** Чотқол-Курама минтақасидаги конларда олтин маъданлашувининг вертикал ва латерал зоналиклари ҳамда истиқболларини аниқлаш учун олтин (Au) ва унга йўлдош элементларнинг геокимёси, учраш шакллари ва маъданлар таркибини ўрганишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Чотқол-Курама минтақасидаги олтин-кумушли (Қизилолмасой) ва олтин-теллури (Кўчбулоқ) ассоциацияларига мансуб конларда бажарилган геокимёвий ва минералогик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш;

олтин-кумушли (Қизилолмасой) ва олтин-теллури (Кўчбулоқ) ассоциацияларига мансуб кон маъданларида Au, Ag, Те, Se элементларининг геокимёвий хоссаларини ҳамда уларнинг ҳосил бўлиш шаклларини ўрганиш;

олтин ва унга йўлдош элементларнинг (Ag, Bi, As, Те, Se) олтин-кумушли (Қизилолмасой) ва олтин-теллури (Кўчбулоқ) ассоциацияларига мансуб кон маъданларида тарқалишини ўрганиш;

олтинга истиқболли бўлган геокимёвий парагенезисларни ва минерал ассоциацияларини ажратиш, уларни вертикал зоналик қонуниятларини аниқлаш;

ер юзасида очилмаган олтин-кumuшли ва олтин-теллурли маъданлашувнинг геокимёвий ва минералогик зоналлашув схемасини яратиш ҳамда уларни излаш белгиларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Чотқол-Қурама кончилик минтақасидаги Қизилолмасой (олтин-кumuш турига мансуб) ва Кўчбулоқ (олтин-теллур турига мансуб) конлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** маъданларнинг геокимёвий хоссалари, моддий таркиби ҳамда маъдан ва минераллар таркибидаги асосий элементларнинг тарқалиш шакллари (макро-, микро-наноминерал, структурвий) ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда Au ва Ag ни аниқлашнинг замонавий усуллари, жумладан, индуктив боғланган плазмадаги масс-спектрометрия – ICP MS Elan DRC II (Perkin-Elmer, АҚШ-Канада) қўлланилган. Олинган натижаларга компьютерда корреляцион таҳлил дастурлари ёрдамида ишлов берилган. Маъданларнинг таркиби, маъдан ва минералларда элементларнинг учраш шаклларини ўрганиш Ҳ.М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтида Superprobe JXA-8800R (Jeol, Япония) аналитик комплексида, ҳамда Oxford Instrument (SEM-EDX; Буюк Британия) микроанализ тизими кўшимчаси билан жихозланган сканерловчи электрон микроскоп (Carl Zeiss, Германия) ёрдамида олиб борилган. Айрим намуналарнинг дубликатлари Лондондаги Табиий тарих музейидаги SX-50 Camebax (Cameca, Франция) микроанализаторида ўрганилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Чотқол-Қурама минтақаси олтин-кumuшли ва олтин-теллурли конларида асосий ва йўлдош элементларнинг фазовий тарқалишидаги вертикал геокимёвий зоналлашуви асосланган;

минтақадаги олтин-кumuшли ва олтин-теллурли конларнинг вертикал зоналигида етакчи маъдан элементлари (Au, Ag) ва микро-наноминерал ансамбллариининг ассоциатив гуруҳлари учраш шакллариининг ўзгаришлари аниқланган;

маъданларнинг геокимёвий ва микро-наноминералогик таркибини ўрганиш асосида олтин-кumuшли ва олтин-теллурли маъданлашувнинг ҳосил бўлиш модели асосланган;

Чотқол-Қурама минтақасида олтин маъданларини излаш, турларини ажратиш ва истиқболларини баҳолашда самара берадиган геокимёвий ва микро-наноминералогик мезонлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўтказилган тадқиқотлар Қизилолмасой ва Кўчбулоқ конларининг истиқболларини чуқурлик ва латерал бўйлаб баҳолашга имкон беради;

яширинган Au-Ag маъданлашувнинг қўйидаги геокимёвий белгилари аниқланган: Se, Sb, Ag, Hg, Pd - кюстелит, электрум, алларгентум, науманнит, агвиларит, полибазит, стефанит шаклида; Au-Te белгилари: Te, Se, Bi, Sb, Pb, Pt – олтин, лайтакариит, тетрадимит, петцит, богдановичит, густавит-лиллианит



шаклида;  $\text{V}_i$ -тетраэдрит шаклида.  $\text{Au}:\text{Ag}$  нинг юқори ва  $\text{Se}:\text{Te}$  паст бўлган нисбатлари  $\text{Au}-\text{Te}$  маъданлашуви белгилари сифатида аниқланган;

олтин-кумушли ва олтин-теллурли турлардаги конлардан олинган маъданларни технологик бойитишда олтиннинг учраш шакллари алмашилишини ҳисобга олиш тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Натижаларнинг ишончилиги штрёк ва рассечкалардан 2300 п.м. минералогик геохимёвий кесимлар тузиш, 570 та намуна олиш, 461 та оғир концентратлар ажратиш, 530 та сайқалланган шлифлар, 232 та брикетлар, 718 та таҳлил, 153 та растрли тасвирлар комплектларини спектрал, рентген-флюоресцентли, пробир, атом-абсорбцион, масспектрометрли таҳлиллар ҳамда «Axio Scope A1, Carl Zeiss» оптик маъдан микроскопи, Superprobe JXA-8800R (Jeol) микрозонди ва SEM Carl Zeiss сканерловчи электрон микроскопини қўллаш орқали таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Чотқол-Қурама минтақасидаги  $\text{Au}-\text{Ag}$  ва  $\text{Au}-\text{Te}$  ассоциацияларда олтин ва йўлдош элементларнинг геохимёвий хусусиятлари, тарқалиш шакллари аниқланган, аниқланган зоналик, асосан олтин-кумушли ва олтин-теллурли геохимёвий турларда етакчи бўлган маъдан элементларининг ( $\text{Au}$ ,  $\text{Ag}$ ) учраш шакллариининг ўзгаришида, янги микро- ва наноминерал бирикмаларнинг пайдо бўлишида аниқ акс этади, бундай зоналик Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидаги йирик маъданли майдонларда ҳам намоён бўлиб, “яширин” олтин маъданлашувини баҳолашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олтин маъданлашувини излаш, турларини ажратиш ва истиқболларини баҳолашда  $\text{Au}-\text{Ag}$  ва  $\text{Au}-\text{Te}$  маъданлари зоналикларининг геохимёвий белгиларини самарадорлигини оширилиши билан белгиланади, улар конлар истиқболларини чуқурлик ва латерал бўйича баҳолашга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чотқол-Қурама минтақасидаги олтин-кумушли ва олтин-теллурли конларнинг геохимёси, микро- наноминералогияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

$\text{Au}-\text{Ag}$  ва  $\text{Au}-\text{Te}$  минераллашуви кўринишида намоён бўлган Чотқол-Қурама минтақасидаги конларнинг зоналиклари мезонлари «Регионалгеология» ДУКнинг геологик қидирув амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 02/12-сон маълумотномаси). Натижада, Қизилолмасой ва Кўчбулоқ конларининг чуқурликда ва ён қанотларда истиқболларини ошириш имконини берган;

ётакчи элементларнинг хоссаларини алмашилиши ва уларнинг учраш шакллари ўзаро боғлиқликларида ифодаланган мезонлар «Регионалгеология» ДУКнинг тематик ишларини бажариш амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 02/12-сон маълумотномаси). Натижада, олтин конларининг шаклланиш концепцияси, олтин конларини қидириш ва башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш имконини берган;

яширин  $\text{Au}-\text{Ag}$  ва  $\text{Au}-\text{Te}$  маъданлашувининг минералогик ва геохимёвий белгилари «Регионалгеология» ДУК томонидан олиб бориладиган геологик

қидирув ишлари амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 02/12-сон маълумотномаси). Натижада, Чотқол-Қурама минтақасида олтин маъданлашувини излаш, маъданлашув типларини ажратиш ва истиқболларини баҳолашда самарали бўлган геокимёвий ва микро- наноминералогик мезонларни ишлаб чиқиш имконини берган;

паст кларкли бўлган Au, Ag, Se, Te, Bi, Sb, Pt, Pd, Hg элементларнинг тарқалиши ва учраш шакллари ўрганилган геокимёвий, микро- ва наноминералогик усуллар «Регионалгеология» ДУКнинг қидирув-баҳолаш ишлари амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 02/12-сон маълумотномаси). Натижада, Шарқий Ўзбекистонда истиқболли майдонларни баҳолаш ва эпитеpmал конлар ҳудудларида қидирув-разведка қилиш ишларининг самарадорлигини оширишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 12 та республика кенгашларида ва илмий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 32 та илмий иш чоп этилган. Улардан 11 таси ихтисослаштирилган илмий журналларда (4 таси чет элда), 21 таси халқаро ва республика кенгашлари ва конференцияларининг тезислари тўпламларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва 164 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 176 бет, 47 та жадвал ва 23 та расмдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети асослаб берилган, тадқиқотнинг республиканинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилганлиги, наشر этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чотқол-Қурама минтақасининг ўрганилиш тарихи, геологик тузилиши ва металлогениясининг асосий хусусиятлари**» деб номланган биринчи боби учта бўлимдан иборат бўлиб, унда Чотқол-Қурама регионининг ўрганилиш тарихи, геологик тузилиши ва металлогенияси кўриб чиқилган.

Минтақанинг геологияси ва маъдандорлигини (шу жумладан олтиндорлигини) ўрганиш тарихи анча узоқ вақтни қамраб олади ва кўплаб муаллифларнинг бир қатор фундаментал асарларида батафсил баён этилган. Бу ерда улардан фақат бир нечасини – олтин маъданлашувининг минералогик-геокимёвий ва микроминералогик тадқиқ этиш учун геологик ва металлогеник асос сифатида фойдаланилганларини, санаб ўтамиз. Булар, авваламбор, «Ўзбекистондаги олтиннинг маъдан формациялари ва металлогениясининг асосий чизгилари» (1969), «Ўзбекистондаги усти ёпиқ ҳудудларнинг олтиндорлиги» (1975), «Ўзбекистон металлогениясининг асосий чизгилари»

(1979), «Ўрта Осиё Марказий қисмининг регионал металлогенияси» (1979), «Ўрта Осиёдаги металлогеник муаммолар» (1987), «Чотқол-Қурама минтақасидаги маъданли майдонлар ва маъдан конлари атласи» (1983), «Чотқол-Қурама минтақасининг эпитеpmал конларидаги олтиннинг наноминералогияси» (2006), «Маъдан конларининг моделлари атласи» (2010) ва б.

Чотқол-Қурама минтақаси деганда, одатда ҳозирги Каржонтоғ, Чотқол, Қурама ва Мўғултоғ тизмалари ҳудудлари тушунилади, уларнинг катта қисми кечки палеозойнинг магматик ҳосилаларидан тузилган. Шунингдек, Чотқол-Қурама регионининг маъмурий чегаралар билан белгиланган қисмини назарда тутган ҳолда, Шарқий Ўзбекистон тушунчасидан ҳам фойдаланилади (1-расм).

Чотқол-Қурама минтақасининг геологик тузилишини О.П.Маджи, В.П.Разумний, С.Я.Сушенцова, Ю.П.Якимов, О.В.Белоплотова, М.О. Сулейманов, П.Г.Курбалов, Н.А. Ерохин, Н.Ф.Рафиқов, Ю.В.Бородин, Ю.В.Нечаев, В.В.Поморцев ва бошқа тадқиқотчилар ўрганишган.


Замонавий тасаввурларга кўра (Т.Н.Долимов, Р.Х.Миркамолов, П.А.Мухин, Ю.С. Савчук, А.С.Ҳақубчук, R.Seltmann ва бошқалар), Белтоғ-Қурама вулканик-плутоник ёй ҳудудларида тараққий этган саноатбоп олтин маъданлашуви Туркистон палеоокеанининг ер пўсти Қозоғистон–Қирғизистон қитъаси остига субдукцияси ва ундан сўнг мазкур қитъа Қорақум қитъаси билан тўқнашуви (коллизия) мобайнида ва кейнчалик содир бўлган геологик жараёнлар натижасида вужудга келган. Иккита белбоғнинг шаклланиши уларнинг ҳосил бўлиш жараёнида мавжуд бўлган турли хил геодинамик вазиятлар билан боғлиқ. Натижада Д.И.Гровс ва бошқаларнинг моделига мувофиқ равишда Жанубий Тянь-Шань белбоғида олтиннинг ороген конлари, Белтоғ-Қурамада эса Au-Cu (Mo) порфирли ва эпитеpmал конлар пайдо бўлган.

Чотқол-Қурама минтақаси, Урал-Мўғул бурмасининг бир қисми бўлмиш Тянь-Шань тоғ қурилмалари таркибига кирувчи Ғарбий Тянь-Шань тизимининг бир қисмидир. Бу ерда каледон ва герцин тектоник-магматик циклларига тегишли, турлича номланган интузив формациялар ажратилади (Шоёқубов, Долимов ва бошқалар, 1988).

Шуни таъкидлаш керакки, Чотқол-Қурама минтақасида вулканик-тектоник тузилмаларнинг турлари отқинди материал таркибига боғлиқ. Асос, ўрта ва ўртача-нордон таркибли вулканитлар грабенларда ва ёриқолди депрессияларда, нордон таркиблилари эса – ҳалқасимон структураларда тўпланган. Вақт ўтган сари нордон таркибли отқинди материал хажми ортиб боришига қараб, ҳалқасимон структураларнинг ўлчамлари камайиб боради ва телескопик равишда шаклланган калдералар пайдо бўлади. Нордон вулканизмининг якуний босқичларида ҳалқасимон марказий-гумбазли (резургент) тузилмалар роли ошиб боради.

Олтин маъданли майдонлар андезит-дацит таркибли вулканик маҳсулотлар билан тўлдирилган вулканик-тектоник грабенлар ва ҳалқасимон тузилмаларга тааллуқли. Пойдеворнинг субмеридионал йўналишдаги усти ёпиқ бўлган ер ёриқлари маъдан концентрациялашда муҳим рол ўйнайдилар, улар грабенлар билан кесишган тугунлар вулканик фаолият марказлари (субвулканлар, экструзиялар, неклар) жойлашувини назорат қилади ва олтин маъданли

майдонларнинг тутган ўрнини белгилайди. Маъданли майдонлардаги маъдандор зоналар ва маъдан таналарининг жойлашишида гумбазли тузилмалар муайян аҳамиятга эга. Вулканик-тектоник тузилмалар ичида ва уларнинг чеккаларида маъдан камровчи структуралар сифатида шимолий-шарқий, субкентлик ва субмеридионал йўналишлардаги ер ёриқлари, синвулканик ярим ҳалқали ва радиал ёриқлар, ҳамда субвулканик, экструзив ва бўғиз фациялари ва дарзликлар бўйлаб шаклланган дайкалар камарлари билан ифодаланган отқинди чиқиш марказлари ажратилади (Шоёкубов, Арапов ва бошқ., 1988).



**1-расм. Чотқол-Қурама минтақасидаги фойдали қазилмаларнинг геологик харитаси (Михайлов В.В. ва б., 2017).**

И.Х.Хамробоев ва бошқаларнинг (1979) фикрича, олтин маъданли конларнинг шаклланиши ва жойлашишининг етакчи металлогеник омиллари – геотектоник ва магматик омиллардир.

Чотқол-Қурама минтақасида олтин маъданлашуви шаклланиши ва жойлашишининг геологик хусусиятлари таҳлилига яқун чиқариб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин: олтин маъданлашуви фазовий ҳамда парагенетик жиҳатдан юқори палеозой вулканоген формацияларини шакллантирган магматик жарёнлар билан узвий боғлиқ.

**«Чотқол-Қурама минтақасидаги олтин конларининг геохимёвий ва минералогик тадқиқотлари шарҳи»** деб номланган иккинчи боб учта бўлимдан иборат. Ушбу бобнинг мақсади – ўтган йиллардаги минералогик ва геохимёвий тадқиқотлар ва Чотқол-Қурама минтақасидаги олтин конларини таснифлаш.

Аввалги тадқиқотлар, асосан, юқори горизонтларни, ореоллар ва маъдан олди метасоматитларини ўрганишга асосланган. Уларда Те, Se, Hg, Pt, Pd ва бошқа элементларнинг спектрал таҳлилларидан ва систематик бўлмаган кимёвий аниқлашларидан фойдаланилган.

Аввалги тадқиқотлар, асосан, юқори горизонтларни, ореоллар ва маъдан олди метасоматитларини ўрганишга асосланган. Уларда Те, Се, Нг, Рт, Pd ва бошқа элементларнинг спектрал таҳлилларидан ва систематик бўлмаган равишда ўтказилган кимёвий аниқлашлардан фойдаланилган.

Маъдан конларини тизимлаштиришда тадқиқотчиларнинг кўпчилиги таснифлаш бирлиги сифатида “маъдан формацияси”ни, яъни: “Яқин бўлган геологик шароитларда шаклланган, барқарор минераллар ассоциациялари таркибига кўра бири бирига ўхшаш бўлган конлар гуруҳи”ни қабул қиладилар.

Энг кенг тарқалган тасниф бу – Н.В.Петровскаянинг (1973) маъданлар шаклланишининг чуқурликлари ҳамда маъдан таркибидаги кварц ва сульфидлар миқдорининг нисбатларига асосланган, олтин маъданли конларнинг таснифидир. Ушбу таснифга кўра, Шарқий Ўзбекистондаги олтин конлари кичик (1 км гача; ер юзасига яқин) чуқурликда шаклланган, маъданлари қашшоқ-сульфидли (сульфидлар 0,5 % гача) тоифага мансуб олтин-сульфид-кварцли формациялар тизимига киради.

Айнан шу тасниф асосида В.А. Коваленкер (1986) сульфидлилик даражаси бўйича олтин-кумуш-кварцли ва олтин-кумуш-адуляр-карбонат-кварцли минерал турлари бўлган олтин-кварцли (қашшоқ сульфидли, сульфидлар миқдори 2-3%), ҳамда олтин-полисульфид-кварцли ёки олтин-сульфид-теллуридли минерал турлари бўлган олтин-сульфид-кварцли (мўътадил-сульфидли, сульфидлар >5%) конларни ажратди. Сўнгги йилларда у хорижий таснифларга таяниб, конларнинг юқори сульфидлашган (кварц, алунит, каолинит) ва паст сульфидлашган (кварц, адулария, серицит) турларини – Кўчбулоқ (high sulfidation) ва Қизилолмасой (low sulfidation) турлари мавжудлигини таъкидлади.

Ф.И.Исломовнинг (1997) таснифида қашшоқ-, кам-, мўътадил сульфидли олтин-кумушли формациялар ва кумушлига ўтувчи қашшоқ-сульфидли формация мавжуд.

Геологик-саноат тизимлаштириш учун икки хил – ( $C_2-P_1$ ) ва  $P_2$  оилаларга бўлинган олтин маъданли, кумуш-олтин маъданли, таркибида теллур бўлган кумуш-олтин маъданли ва олтин-кумушли маъдан формациялари ёки, асосан, олтин-кварцли, олтин-сульфид-кварцли, олтин-сульфид формациялари ёки турлари хосдир.

Р.И.Конеев (1990, 2006) томонидан таклиф этилган Шарқий Ўзбекистоннинг олтин конларининг таснифига кўра, минтақасида уч турдаги олтин маъданли формациялар ажратилади:

1. Олтин-маргимушли формация, маргимуш билан ассоциациядаги олтиннинг миқдори унча юқори бўлмаган қашшоқ-сульфидли маъданлар билан тавсифланади. Асосий минераллари – кварц, карбонат, пирит (одатда маргимушли); олтин ўта майда заррали (Чумаук, Қовулди конлари).

2. Олтин-теллурли формация. Олтиннинг пробаси (софлиги) юқори даражада. Маъданлар мўътадил- ва аҳамиятга молик-сульфидли. Минерал турлари – зоналик элементларига боғлиқ равишда ўзгариб туради – олтин-теллурид-полиметалли ва олтин-селенид-теллурид-полиметалли (Кўчбулоқ, Қайроғоч, Самарчук конлари).

3. Олтин-кумушли формация. Олтиннинг пробаси пастлиги, маъданлар таркибида электрум, кюстелит ва кумуш сульфидлари, сульфотузлар, интерметаллидларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Маъданлар асосан қашшоқ- ва кам сульфидли. Электрум-полисульфидли ва электрум-селенид-полисульфидли турлари ажратилади (Қизилолмасой, Чодак, Арабулок, Ревашта конлари).

Чотқол-Қурама минтақасида бир неча ўнлаб конлар ва маъдан намоёнлари аниқланган бўлиб, улар саноат аҳамиятига эга объектларнинг икки хил турдаги – олтин-теллури ва олтин-кумушли гуруҳларга бўлинади (Конеев, 2006).

**Олтин-кумушли тур.** Олтин-кумушли формацияга Қизилолмасой, Арабулок, Пирмироб, Ғузоқсой, Ревашта, Левобережное, Школьное конлари киритилган. У шимолий-шарқий йўналишдаги Шовос-Дукент грабени ва субмеридионал Дукент-Ғўшсой ер ёриғи туташган ерда жойлашган.

Олтин-кумушли формация электрум-селенид-полисульфидли ассоциациялар сифатида намоён бўлади. Уларнинг таркибида пирит, халькопирит, галенит, сфалерит, фрейбергит, аргентит, соф кумуш, алларгентум, полибазит, стефанит, науманнит, агвиларит, кумушнинг сульфоселен-теллуридлари ҳамда кварц, карбонатлар, пирит, фрейбергит ва бошқа минералларда наноминерал шаклда ажралиб турувчи кумушли сульфотузлар мавжуд. Кюстелит ва электрум пробаси 700% дан ошмайди. Олтин-кумуш маъданлашуви Қизилолмасой конида (Марказий участка) тарқалган. Мазкур кон худуди – ўзида O-S сланецларининг блок-ксенолитларини мужассамлаган каледон даврида шаклланган гранитларнинг горст кўтарилмаси бўлиб, сиенит-диорит ва фельзит таркиблили дайкалар билан кесиб ўтилган алоҳида блок сифатида таърифланади.

Маъданли майдоннинг асосий саноат объекти бўлмиш Қизилолмасой кони 309-314 млн. йил аввал ҳосил бўлган, ва эпитеpmал олтин-кумушли вулканоген-гидротермал маъданлашувнинг типик вакилидир (Селтманн Р., Конеев Р.И., Диваев Ф.К., Халматов Р.А., 2014); кондаги маъданлар 300° дан то 100°С гача ва ундандан ҳам камроқ ҳароратларда шаклланган.

**Олтин-теллури тур.** Ушбу гуруҳга Кўчбулок, Қайрағоч, Қовулди, Самарчук, Чумаук, Оқтурпоқ, Гулдурама, Бургунда конлари киради. Минералогик ва геокимёвий жиҳатдан энг тақдимотли бўлган вакили Кўчбулок ва Қайрағоч конларидир.

Маъдан даласи субмеридионал Дукент-Ғўшсой ёриғи ва шимолий-шарқий Олмалик грабенларининг туташиларига мансуб. Маъдан камровчи жинслар бўлиб трахандезит-дацит формациясидаги (C<sub>2-3</sub>) метасоматик ўзгарган вулканоген ҳосилалар ҳисобланди, уларда субвулканик таналар ва эксплозив брекчиялар кенг тараққий этган. Саноатга хос маъданлашувлар қия, формациялар орасидаги, субкенглик, тик ётувчи, субмеридионал ҳамда кувурсимон кварц-сульфид-теллуридли маъдан таналарга тегишли. Маъдан таналарининг ритмик бўлган вертикал зоналиклари кузатилади.

Кўчбулок кони эпитеpmал, юзага яқин ётувчи вулканоген-гидротермал генетик турига киради. Коннинг саноат ресурсларини олтин-теллурид-селенид-полиметалл минераллар ассоциациясидаги Au-Te нинг парагенези белгилайди.

Саноат жиҳатидан бўйсунувчи олтин-пирит минераллашуви бўлган Au-As парагенези аҳамиятга эгадир. Мутлақ ёшни аниқлаш маълумотлари бўйича коннинг шаклланиши 298-301 йилларда бўлиб ўтган (Селтманн, Конеев, Диваев, Халматов; 2014). Маъдан ётқизилиши жараёни ҳароратнинг умумий 465°C дан 100°C гача пасайиши фонида содир бўлади, бунда унга ҳар босқич бошида ҳарорат инверсияси ҳамроҳлик қилади. Гидротермик жараён граносиенит-порфир дайкалари ва диабазаларининг қуйилиб чиқишлари билан узилиб қолади.

**«Чотқол-Қурама минтақасидаги олтин маъданли конларнинг геокимёси»** номли учинчи бобда маъданларни геокимёвий тадқиқ этиш вақтида асосий эътибор Au, Ag, Se, Te, As, Sb, Bi га қаратилди.

Чотқол-Қурама минтақасидаги олтин маъданли конларни геокимёвий тадқиқ этишдан асосий мақсад - Au, Ag ва унга ҳамроҳ элементларнинг тарқалиш қонуниятларини аниқлаш, вертикал зоналикларини ва ниҳоят, саноат минераллашувлари истиқболларини аниқлашдан иборат. Олтин ва кумушдан ташқари асосий эътибор Te, Se, Bi, Sb, As га қаратилди. Биринчидан, Ўзбекистонда ўтказилган геокимёвий тадқиқотлар ушбу элементларнинг олтин-кумуш ва олтин-теллур маъданларининг ҳосил бўлишида анча кенг тарқалишлари ва аҳамиятини намоён этди; иккинчидан, С.Т.Бадалов (2003) Менделеев жадвалининг Iб ост гуруҳи Cu-Ag-Au триадасининг геокимёвий хатти-ҳаракати Vб (S-Se-Te) ва VIб (As-Sb-Bi), эҳтимол Hg ҳам ост гуруҳи триадасининг белгилашини қайта-қайта кўрсатди.

Тадқиқотларда ICP MS Elan DRC-II усулидан фойдаланилди, бу усул спектрал таҳлилга нисбатан бир қатор афзалликларга эга.

Маъданлар таркибидаги элементларнинг мутлақ миқдорларини таққослашда, олтин-кумуш турда (Қизилолмасой кони) Au, Ag, Se, Sb, As нинг юқори концентрацияси ўрнатилди; олтин-теллур турида (Кўчбулоқ кони) Te, Bi, Au, Ag, As юқори қийматлари аниқланди. Ер пўстида кларкларга нисбатан элементларнинг тўпланиши жадаллигининг кетма-кетлик қатори қуйидагини ташкил этади:

олтин-кумушли тур: Au-Ag-Te-Sb-Bi-Pb-Se-As-Cu-Mo-Zn-W-Hg-Pd-Sn-Tl-Co;

олтин-теллурли тур: Te-Bi-Au-Sb-Ag-Se-As-Pb-Mo-Sn-Cu-Hg-Zn-Pd-W-Co ва эътиборга лойиқки, олтин-кумуш ассоциациясида Au, Ag, Sb, Pb, Se, As, чуқурликда эса Te, Bi муҳим роль ўйнайди. Шуни таъкидлаймизки, Au, Te, Ag учун концентрация коэффициентлари ўн минглаб кларкларга, Sb, Bi, Se, Pb учун минглаб ва юзлаб кларкларга етади. Cu, Pb, Zn, As, Mo, Sn, Hg, Tl кларкларга нисбатан унчалик катта бўлмаган миқдорда тўпланади. Олтин-теллур ассоциациясида асосан Te, Bi, Au, Sb, Ag етакчи ўринни эгаллайди.

Жуфт корреляциялаш дастурлари бўйича Қизилолмасой конининг ялпи намуналарининг ICP MS таҳлиллари (2-расм).


Қизилолмасой конида олтиннинг кучли, барқарор боғлиқликлари фақат Se билан, S, Ni, Co, Hg, Ag, билан барқарор боғлиқликларида, - шубҳасиз бу асосий концентратор олтин-пирит бўлгани ва кенг тарқалган кумуш селенид ҳисобига; аҳамиятсиз корреляция As, Bi, Sb, Pb, Cu, Zn, Ru, Te билан, салбий - Pt, Sn, Mo, U, Pd, W, Tl, W билан (2-расм). Разведочная шахтасида олтини кучли, барқарор

боғлиқликлари Ag, Zn, Rh, Te, As, Cu, Pb, Se, Hg, Sb, Bi билан, заиф - Co, S, Ni, Pt билан; U, Th, Pd, Ru билан салбий корреляциялашади.

Олтин-теллур тури учун қайта ишланган намуналарнинг жуфтлик корреляциясининг ICP MS таҳлиллари (3-расм).


Кўчбулоқ конида олтиннинг селен ва теллур билан кучли, барқарор боғланишлари, кўрғошин, висмут, симоб, кумуш билан барқарор мустақкам боғланиши мавжуд, афтидан бу селенидлар ва теллуридлар Ag, Pb, Bi, Hg нинг кенг тарқалиши билан боғлиқ. Pd, Mo, Zn, As, Sb, салбий Co, Pt, W, Cu нинг кам корреляцияси кузатилади. Семгуран майдонида Te, Sn, Sb билан кучли, барқарор боғланишда, заиф Ag, Cu, Pb билан, Hg, Bi, Pt, Mo, W, Ni билан салбий корреляция мавжуд.

Элементларнинг маъданларда тарқалишини таҳлил қилишнинг асосий хулосаларидан бири- Te, Se, Bi, Sb, As каби элементларнинг олтин ва кумуш геокимёсида шубҳасиз етакчи роль ўйнаши ҳисобланади. Уларнинг тарқоқ жойлашганлиги туфайли маъдан таналари учун тавсифли бўлган конни муйян бўлган вертикал зоналикка таъсири ўрнатилди. Қизилолмасой конида Bi ва Mo нинг юқори миқдори классик зоналаштириш учун аномал ҳисобланади.



**2-расм. Олтин-кумуш турдаги олтин конлари ялпи намуналарининг корреляцион боғлиқлиги**





**3-расм. Олтин-теллур турдаги коннинг ялпи намуналарида олтиннинг корреляцион боғлиқлиги**

Олтин-теллур тури учун Te, Bi, Se, Sb нинг, ер қобиғидаги паст кларкларни (Te-0,001г/т, Bi-0,009 г/т, Se-0,05г/т ва бошқаларни) ҳисобга олган ҳолда, уларнинг юқори таркибини таъкидлаш лозим, маъданларда концентрация коэффицентлари Кўчбулоқ конида юзлаб, минглаб мартага етади.

Худди шундай полиметалли гуруҳнинг элементлари - Cu, Pb, Zn га ҳам аҳамиятга молик миқдорлар ҳосилдир, бироқ уларнинг мавжудлиги маҳсулдордан кейинги, кучсиз олтин таркибли ассоциациялар билан аниқланши мумкин.

Маъданларда доимий равишда платиноидлар иштирок этади, Pd ҳамisha Pt дан катта, аммо концентрацияси камдан-кам 0,2 г/т га етади. Шунингдек маъданда доимий равишда W, Sn, Hg, Pt иштирок этади, бироқ аномал концентрацияларда эмас. Мо миқдори Марказий ҳудуддан Кўчбулоқ маъдан конининг 5-зонасига қадар камайиб боради.

**«Чотқол-Қурама минтақасида олтин конларининг махсулий таркиби»** номли тўртинчи боб Геокимёвий маълумотларни талқин этишда топилиш шакллари маъдан ҳосил бўлиш шароитларини, зоналикларини, эрозион қирқим сатҳларини, минераллашув турларини ойдинлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Au ва Ag концентратлари орасида асосийлари бўлиб пирит, халькопирит, арсенопирит, галенит, сфалерит, хира маъдан ҳисобланади, бунда олтин ҳам структуравий аралашма кўринишида ва ҳам минерал- матрицаларда микро ва нано-қўшимчалар шаклида бўлиши мумкин.

Элементларни топиш шакллари тадқиқ этишда уларнинг шундай топилиш шаклини аниқлаш муҳим аҳамият касб этадики, улар ўрганилаётган объект истиқболларини башорат қилишга имкон берган ҳолда, коннинг ҳосил бўлиш шароитлари тўғрисида аниқ маълумот берсин ва вертикал зоналикларнинг эрозион қирқимининг даракловчиси бўлиб хизмат қилсин. Ушбу нуқтайи – назардан маъданда олтин ва бошқа элементларнинг ажралиш тавсифлари кузатилди. Асосий маъдан ҳосил қилувчи минералларни ўрганиб чиқиб, асосан,

арсенопирит, халькопирит, As-пиритда олтиннинг минералга хос (> 100 мкм) ва кўринмас структуравий шакллари мавжудлигига амин бўлдиқ. Ушбу шаклдан ташқари Чотқол-Қурама районидаги конларнинг маъданларида микроминерал (10 мкм дан 100 мкм) ва наноминерал (10 мкм дан 0,1 мкм гача) бўлган шакллар иштирок этади.

Ҳар бир элементнинг топилиш шакли физик-кимёвий шароитларга ва унинг физик ҳолатига боғлиқ. Масалан, классик тасаввурдаги олтин - бу бошқа маҳсулотлар билан таъсирлашмайдиган асл металл. Аммо биз нанозаррачаларни олсак, унда олтин бундай ҳолатда коннинг турли шароитлари ва турларида бир қатор бирикмалар ҳосил қилади:  $Au_3Ni$ ,  $Au_2Bi$ ,  $AuCu$ ,  $AuPb_2$ ,  $AuTe_2$ ,  $AuSb_2$ ,  $Au_2Hg$ ,  $AgAuS$ ,  $Ag_3AuSe$ ,  $AuO$ ,  $AgO_6$ .

Муайян шароитлар учун маълум бирикмалар мавжуд бўлишидан келиб чиқиб, конлар кесими бўйича элементлар топилишининг минерал шакллари тақсимланиши таҳлил қилинади.

Петцитга эътибор қаратамиз. У  $210^{\circ}C$  ҳароратга бардошли, ва гессит, богдановичит билан бирга Au-Te минераллашувининг нисбатан юқори қисмлари учун тавсифли.

Олтин-кумшли сульфидлар гуруҳидаги минераллар - ютенбогардит-петровскитларнинг ( $Ag_3AuS_2$ - $AgAuS$ ) топилиши ҳақида эслатмасдан бўлмайди. Бу минераллар ҳам камёб ҳисобланади ва  $190^{\circ}C$  гача бўлган ҳарорат учун тавсифлидир.

4-,5-рамсларда теллуридларнинг олтин билан узвий ўсишларидаги ноноансамбли кўрсатилган. 4-расмда олтиннинг ўлчами 2 мкм атрофида, 5-расмда эса 200 мкм, теллуридларники 20 мкм, битта ўлчада.

1-жадвал


Олтин-кумушли ва олтин-теллур маъданларининг микро- ва наноминераллари

Уланиш тури	Олтин-кумушли		Олтин-теллурли	
	Минерал	Формуласи	Минерал	Формуласи
соф туғма, Интерметаллар	Кумуш Кюстелит Электрум Олтин Анимикит* Алларгентум Дискразит Теллур Висмут*	Ag $AuAg_3$ AuAg $Au_2Ag$ (Ag,Sb) $Ag_6Sb$ $Ag_3Sb$ Te Bi	Олтин Электрум Теллур Висмут Мис Қалай	Ag AuAg Te Bi Cu Sn
Сульфидлар	Акантит Те-акантит Акантит-аргентит Ютенбогардит* Петровскаит* Висмутин	$Ag_2S$ $Ag_2(TeS)$ $Ag_2S$ $Ag_3AuS_2$ $AgAuS$ $Bi_2S_3$	Ютенобогардит-петровскаит Галеновисмутит Козалит Фемолит	$Ag_3AuS_2$ - $AgAuS$ $PbBi_2S_3$ $Pb_2Bi_2S_5$ (Mo,Fe) $S_2$
Сульфотузлар	(Bi)-фрейбергит* Se-полибазит	(Ag,Cu,Fe, Bi) $_{12}Sb_4S_{13}$ $Ag_{16}Sb_2(Se,S)_{11}$	Павонит Тетраэдрит Bi-тетраэдрит	$Cu_2AgPbBi_5S_{10}$ (Cu,Fe) $_{12}Sb_4S_{13}$ (Cu,Fe) $_{12}(Bi,Sb)_4S_{13}$


Уланиш тури	Минерал	Формуласи	Минерал	Формуласи
Сульфотузлар	Полибазит-пирсеит* Те-полибазит (Se)-Стефанит Штернбергит Ленаит Аргентопирит Пираргирит Bi-тетраэдрит Виттихенит Кестерит Айкинит Густавит-лиллианит* Павонит-матильдит*	$(Ag,Cu)_{16}Sb_2S_{11}$ - $Ag_{16}As_2S_{11}$ $(Ag,Cu)_{16}(Sb,Te)_2S_{11}$ $Ag_5Sb(Se,S)_4$ $AgFe_2S_3$ $AgFeS_2$ $AgFe_2S_3$ $Ag_3SbS_3$ $(Cu,Zn,Fe)_{12}(Sb,Bi)_4S_{13}$ $Cu_3BiS_3$ $Cu_2(Zn,Fe)SnS_4$ $CuPbBiS_3$ $PbAgBi_3S_6$ - $Pb_3Bi_2S_6$ $AgBi_3S_5$ - $AgBiS_2$	Голдфилдит Пекоит Крупкант Купропавонит Халькостибит Эмплектит Энардит Теннатит Айкинит Бурнонит Линдстремит Люционит Фаматинит	$Cu,Zn,Fe)_{12}(Sb,Bi)_4S_{13}$ $PbCuBi_{11}(S,Se)_{18}$ $CuPbBiSe$ $AgBi_3S_5$ $CuSbS_2$ $CuBiS_2$ $Cu_3AsS_4$ $Cu_{12}As_4S_{13}$ $PbCuBiS_3$ $CuPbSbS_3$ $Pb_3Cu_3Bi_7S_{15}$ $Cu_3AsS_4$ $Cu_3SbS_4$
Селенидлар, Сульфоселенидлар Сульфостаннатлар	Те-науманнит* Те-агвиларит Берцелианит* Клаусталит Богдановичит Лайтакариит	$Ag_2(Te,Se)$ $Ag_2(Te,Se,S)$ $Cu_2Se$ $PbSe$ $AgBiSe_2$ $Bi_4Se_2S$	Кестерит Колусит Некрасовит Станнин Станноидит	$Cu_2(Zn,Fe)SnS_4$ $Cu_{12}VAs_3S_{16}$ $Cu_{26}V_2(Sn,As,Sb)_6S_{32}$ $Cu_2FeSnS_4$ $Cu_8(Fe,Zn)_3Sn_2S_{12}$
Теллуридлар, сульфотеллуридлар	Гессит Штютцит Петцит Сильванит Калаверит Сервеллит	$Ag_2Te$ $Ag_5Te_3$ $Ag_3AuTe_2$ $Ag_3AuTe_4$ $AuTe_2$ $Ag_4TeS$	Гессит Штютцит Петцит Кавацулит Тетрадимит Нагиагит	$Ag_2Te$ $Ag_5Te_3$ $Ag_3AuTe_2$ $Bi_2Te_2Se$ $Bi_2Te_2S$ $Pb(Pb,Sb)_2S_2$
Номаълум фазалар	Фаза 1 Фаза 2 Фаза 3	$AgTeSe$ $(AuAgSbTe)^*$ $(AuAgSb)^*$		

Изох. Р.П.Бадалова, А.С.Бадалов, В.Р.Аширматова, В.А.Коваленкер, Р.И.Конеев ва муаллиф материаллари бўйича.

\* - муаллиф томонидан аниқланган минераллар.



4-расм. Қўрғошин ва тетраэдрит сульфовисмутити билан олтиннинг микропаргенези. Брикет 747к. Иккиламчи электронлардаги сурат. Superprobe JXA-8800R (Jeol).



**5-расм. Петцит ва теллур висмутит кўшимчалари бўлган соф олтин.  
Брикет КА-747к. Иккиламчи электронлардаги сурат.  
Superprobe JXA-8800R (Jeol).**

Маъданларда олтин ва унга ҳамроҳ бўлган элементларнинг топилиш шакллари тадқиқ этишда, шуни сезиш мумкинки, баъзи ҳолларда олтин минерал кристаллар ичига парагенетик микро-минераллар билан бирга ётқизилади, бошқа ҳолатларда эса уларни дарзликлар бўйича кесиб ўтади, яъни ё сингенетик ёки бўлмаса эпигенетик, аммо бир хил ассоциация оралиқларида. Олинган расмларни таҳлил қила туриб, биз олтин ва бошқа минералларнинг аниқ нанозаррачаларини кўрамиз, аммо кўпинча 1-10 микрондан каттароқ олтин доналари кузатилади. Н.В.Петровская, хали 1973 йилдаёқ кўринадиган олтин доналарининг кўпчилиги ва барча нисбатан йириклари 2-5 ва ундан ортиқ кристаллик микродоналардан тузилганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, наноансамбллар ёки нанокомпозитлар кузатилади. Бошқа ҳолларда, бу тўпланишлар қаттиқ эритмани ёки иккиламчи кўринадиган, эрта сульфидлардан кейин ҳосил бўлган қаттиқ эритманинг парчаланишидан кейин ҳосил бўлган агрегатни намоён қилади.


Кумуш минералларининг деярли барча маъдан синфлари билан ифодаланади: соф кумуш, интерметаллидлар (алларгентум, дискрасит), оддий сульфидлар (акантит), сульфотузлар (густавит, павонит, фрейбергит, полибазит, штернбергит), селенидлар (науманнит, агвиларит), теллуридлар (гессит, сервеллит). Олтин-кумуш турдаги коннинг кўпгина минераллари аслида янги, чунки аниқланган барча фазалар теллури тудошлар ҳисобланади. Бу, айниқса, науманнит, агвиларитга тегишли.

**Олтин-теллур тур.** Чотқол-Қурама минтақасининг эпитеpmал олтин-теллур конлари олтин-кумушнинг объектлари сонига қараганда анча кўп. Айнан улар билан маъданлашув ва вулканизм ўртасидаги боғлиқлик намоён бўлади. Шунингдек, Cu, Pb, Bi минераллари устуворлиги ва теллуридларнинг микро-наноминерал шаклда кенг тарқалиши билан сульфидликнинг ортиб бориши аниқланади (1-жадвал).

Энг катта тарқалганлардан бири гессит ҳисобланади. Кубик гессит 155<sup>0</sup>С дан паст ҳароратда моноклиналга ўтади; штютцит билан бирга қаттиқ эритманинг 120<sup>0</sup>С дан ҳароратда парчаланишида ҳосил бўлади. Эмпрессит 170-120<sup>0</sup>С дан паст ҳароратга бардошли. Гессит ва петцитнинг нисбатлари анча мураккаб. Баъзи бир тадқиқотчилар петцитни олтин таркибли гессит сифатида кўриб чиқадилар. Бошқа маълумотлар бўйича 250<sup>0</sup>С ҳарорада гессит ва петцит қаттиқ эритмалар ҳосил қилади, бунда юпқа дисперс агрегатлар шаклланади.

Тарқалишга эга бўлган гуруҳ висмутнинг теллуридлари ҳисобланади (1-жадв.), бунда тетрадимит ва теллуrowисмут кўпроқ тарқалишларга эга. Тетрадимит жуда кенг тарқалган. Г.А.Юргенсон шундай хулосага келадики, маҳсулдор олтин маъданли конлар мажмуасининг типоморф минераллари бўлиб олтин ва кумушнинг теллуридлари, шу жумладан тетрадемит қаторининг минераллари, айниқса олтингурутнинг юқори даражада теллурга алмашинувчанлиги бўлган жозеит, шунингдек пиритнинг микро кўшимчалари кўринишидаги петцит ҳисобланади.

